



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 20 июнь, № 122 (8745) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мактабгача ва мактаб таълими сифатини ошириш, педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Ўқувчиларнинг фанларга қизиқиши ва ўрганиши кўп ҳафтадан мураббийларнинг билим ва муҳаббатига боғлиқ. Шу боис педагогларнинг малакасини оширишга зарур шароит яратилиб, баҳолаш тизими такомиллаштириб берилмоқда.

Мутасаддилар, аввало, шу ҳақда ахборот берди.

Қайд этилганидек, аттестацияда илгор технологияларга асосланган янги тартиб жорий этилган. Унда 190 мингдан зиёд ўқувчилар қатнашиб, шундан 51 минг нафарининг тоифаси оширилган.

Мактабларда билимли ва изланувчан педагоглар кўпайишини доимий рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

2025 йил сентябрдан олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқувчиларнинг ойлик маошини ошириш таклифи билдирилди.

Аттестациядан ўтолмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ўқувчилар учун алоҳида дастур ишлаб чиқиб, малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бу борада малака ошириш марказлари ҳамда педагогика коллежлари имкониятларидан тўла фойдаланиш зарур. Шу мақсадда Президент мактаби тажрибаси асосида Абдулла Авлоний номидаги миллий-таъдқиқот институтида боғча ва мактаблар раҳбар ҳамда педагогларнинг ҳар 5 йилда малакасини ошириш тизими йўлга қўйилиши белгиланди.

Худудлардаги 11 та педагогика коллежини малака ошириш марказлари тасаруфига ўтказиб, хориждан тренерларни жалб этиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, кам қувватда ишлаётган педагогика коллежлари негизда боғча ва мактаблар, техникумлар, «Баркамол авлод» мактаблари ташкил қилиниши айтилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

“Ҳеч шубҳасиз, инсоният тўқнаш келаётган иқлим билан боғлиқ кескин муаммолар оқибатларини юмшатиш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Марказий Осиёда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги резолюциясини ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонаман”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича IV анъанавий Самарқанд форуми иштирокчиларига мурожаатида айтилган бу сўзлар жорий йил 13-14 июнь кунлари “Экологик таъдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш” мавзусига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуманинг аҳамиятини янада оширди.

Тафсилот



Инсон ҳуқуқлари бўйича «Самарқанд руҳи»

Давлатимиз раҳбарининг мурожаатида даставвал юртимизда илк бор 2018 йилда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми жаҳон амалиётига ўзига хос «Самарқанд руҳи»ни олиб киргани эътироф этилди. Бу ўринда бундан 6 йил олдин ноябрь ойида “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги аянлари: замонавий таҳ-

дидлар ва реал воқеалик” мавзусида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича I Самарқанд форуми ҳақида сўз бормоқда.

Шундан сўнг Инсон ҳуқуқлари бўйича II Самарқанд форуми «Ёшлар — 2020: глобал бирдамлик, барқарор ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари» мавзусига бағишлаб 2020 йил 12-13 август кунлари, ўз навбатида, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” мавзусидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича III Самарқанд форуми 2022 йил 5-6 декабрь кунлари ташкил этилди.

ЗАРГАРЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга заргарлик саноатини янада ривожлантириш, заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тайёр маҳсулотлар экспортини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимот қилинди.

Юртимизда заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш учун жуда катта салоҳият бор.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда қазиб олинаётган олтиннинг атиги 6 фоизи қайта ишланиб, бор-йўғи 78 миллион долларлик экспорт бўлаётганини қайд этиб, тадбиркорлар учун алоҳида шароитларга эга заргарлик зоналари ташкил қилиниши, соҳага хомашё етказиш, мутахассис тайёрлаш, ишлаб чиқариш занжирини ва сотиш тизимини бутунлай қайта қўриб чиқиш муҳимлигини таъкидлаган эди.

Шу боис Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, ваколатларини кенгайтириш ҳамда бошқарув тизимини қайта ташкил этиш режалаштирилган.

Соҳадаги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Хунарманд” уюшмаси аъзолари учун берилган имтиёзларни “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмасига аъзо бўлган заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳам таъбиқ этиш таклиф этилди.

Шунингдек, 2026 йил 1 октябрда қадар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда заргарлик соҳасида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, қадоқлаш ва этикеткалаш маҳсулотларига нисбатан божнона божини қўйишнинг қиймат солиғининг ноль ставкасини қўллаш имконияти ўрганилмоқда.

Ишлаб чиқариш, қўرғазма ва савдо майдонларини ўз ичига ол-

ган махсус заргарлик марказларини ташкил этиш масаласига кўриб чиқилди. Бу борадаги пилот лойиҳаларни Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятларида жойлаштириш юзасидан ахборот берилди. Заргарлик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш масаласига тўхталиб ўтилди. Икки томонлама келишиш йўли билан мамлакатимиз ҳудудидида ишлаб чиқарилган заргарлик буюмларини Америка Қўшма Штатларида “GSP” тизими бўйича экспорт қилиш учун божнона тўловларининг “ноль” ставкасини белгилаш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари муҳокама қилинган чора-тадбирларни такомиллаштириб, 2027 йилгача бўлган даврда маҳаллий заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқишга топшириқ берди.

ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

Барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш кўп миллатли Ўзбекистондаги янгилашларнинг асосий устувор йўналишидир. Шундай ажралмас ҳуқуқлардан бири — дин эркинлигидир. Мамлакатимизда эътиқод қилувчилар ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистон сиёсати нафақат халқимиз орасида, балки халқаро жамоатчиликда ҳам муносиб эътирофга сазвор бўлмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Маккаю Мадинада муқаддас ҳаж амалини адо этишга муяссар бўлган ватандошларимиз сони бармоқ билан санокли бўлган бўлса, бугунги кунда 15 мингдан зиёд Ўзбекистонликлар муқаддас зиёратга борди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга Қурбон ҳайити табриги, Муулмонлар идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиққон билан телефон орқали суҳбат қилиб, ҳожилар ҳолидан ха-

бар олгани бу йилги ҳаж мавсумининг эркин воқеаларидан бўлди. Қисқа муддат ичида Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш бўйича комплекс тизим яратилди. Олимларимизнинг бой меросини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида илмий-таъдқиқот марказлари фаолият бошлади. Бунга мисол сифатида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Хадис илми мактаби, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-таъдқиқот марказларини келтириш мумкин. Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасида кенг кўламли янгилаш ва обдонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги йилгида буюк мутафаккирларнинг асарларини аҳоли, айниқса, ёшларимиз орасида кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Зеро, бу асарларда исломнинг асл моҳияти, муқаддас динимизнинг инсонпарвар гоёлари муҳассам. Бу, айниқса, ҳозирги таҳликали даврда, дунёда турли куч-

лар дин моҳиятини бузишга ва ёшларни ҳақиқий йўлдан адаштиришга уринаётган бир пайтда жуда долзарб.

Бу жараёнда айни кунларда муқаддас Маккада ҳаж ибодатини адо этаётган юртдошларимизнинг ҳам катта ўрни борлиги таъкидланди. Яқинда ҳожилар ўз маҳалларида ёш авлод тарбияси ва маънавий камолотига муносиб ҳисса қўшишга тайёр эканликларини билдириб мурожаат қабул қилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари бу ишларда халқимиз ва чет эллик меҳмонларни аждодларимизнинг бебаҳо мероси билан кенг таништиришга, маърифатли ислом гоёларини илгари суришга ҳизмат қиладиган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази фаол иштирок этиши муҳимлигини таъкидлади. Бугунги кунда тарихий олим ва уламолар билан биргаликда марказ фаолиятини янги мазмун билан бойитиш ишлари олиб борилмоқда.

Марказнинг келгусидаги режалари тўғрисида ахборот берилди.

ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРНИНГ МАСТЕР-РЕЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Давлатимиз раҳбари туман ва шаҳарларнинг мастер-режаларини ишлаб чиқишга оид тақдимот билан танишди.

Бу ҳақда жорий йил 16 январда бўлиб ўтган иқтисодиётдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди. Мутасаддилар шу борада қилинган дастлабки ишлар, мастер-режалардан қутилаётган натижалар тўғрисида ахборот берди.

Ўтган вақтда 14 та туман ва шаҳар бўйича мастер-режа ишлаб чиқилган. Уларда 759 та кўп қаватли уй-жой, 22 та савдо мажмуаси, 800 дан зиёд хизмат кўрсатиш объеклари барпо қилиш имконияти аниқланган.

Шу тарафдан 112 та туман ва шаҳардаги драйвер йўналишлар асосида яна 136 та мастер-режа тайёрланиши кўзда тутилган.

Масалан, аҳолиси тез ўсаётган 38 та туман марказлари ва шаҳарларда етарли уй-жойлар қуриши, аҳоли сайр қилиши ва дам олиши учун қулай масканлар ҳамда истироҳат боғлари барпо этиш зарур.

Туристтик салоҳияти юқори 20 та туманда меҳмонхоналарни кўпайтириш, пляж, экологик, тиббиёт, спорт ва экстремал туризмни ривожлантириш орқали сайёҳлар оқимини 2,5 қарра ошириш имконияти бор.

Худудидан магистрал йўللар ўтган 68 та туманда 400 дан зиёд мотель, кемпинг, ошхона, дўкон ва автосервислар ташкил этиш мумкин. Умуман, мастер-режалар асосида бўладиган лойиҳалар ҳисобига 40 мингта иш ўрни яратилиши, бюджетга йилгача қўшимча 350 миллиард сўм даромад тушиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари аҳоли учун қулай инфратузилма, савдо ва кўнгулчор ҳолат, юқори даромадли иш ўринлари ташкил қилишни ҳозирдан бошлаш лозимлигини таъкидлади.

Мастер-режалар ишлаб чиқиши ва мониторинги бўйича вертикал тизим яратиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисидаги 156-сонли Конвенциясини (Женева, 1981 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 20 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 30 мартда маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишлаётган эркаклар ва аёллар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ходимлар тўғрисидаги 156-сонли Конвенцияси (Женева, 1981 йил 23 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 19 июнь № УРҚ—932

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат мулкини тадбиркорлик субъектларига ва бошқа шахсларга ижарага беришнинг қонунчилигини таъминлаш юзасидан тизимли чоралар қўрилмоқда.

Шу билан бирга амалда давлат мулкидан самарали фойдаланмаслик ва уни ижарага бериш тартибини бузиш билан боғлиқ қандайдозуриятлар сони ҳам ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, давлат мулкини ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик ва ваколатли органларнинг ушбу муносабатларни тартибга солиш бўйича кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарлик кучайтирилишини тақозо этмоқда.

Мазкур Қонун билан давлат мулкини ижарага бериш тартибига ривож этмаганлик, бўш турган давлат мулкидан самарали фойдаланиш бўйича чоралар кўрмаганлик, шунингдек давлат мулкини ижарага олган тадбиркорлик субъектларининг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Ушбу Қонун давлат мулкидан самарали фойдаланилишини, ижарага олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистоннинг очик илм-фан сиёсати

соҳа тараққиёти ва миллатимиз юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Давлатимиз раҳбари яқинда Жиззах вилояти фаоллари билан учрашувда нутқ сўзлаб экан, “Дунёни очиб бердим” дея таъкидлади. Кўпчилик қатори менинг ҳам эътиборимни тортган бу сўзлар замирида катта маъно мужассам.

Нутқни назар

Дунёни очиб, дунёга очилиш ва бунинг натижалари, оқибатлари, афзалликлари ҳақида барча соҳа ва йўналишлар бўйича соатлаб фикр юритса бўлади. Биз айнан илм-фан борасидаги очиклик юзасидан ўз мулоҳазамизни билдирмоқчимиз.

Узаро зиддиятлар, келишмовчиликлар кучайди. Трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш, Орол фожиясини, минтақавий экологик муаммоларни биргаликда ҳал этиш каби масалалар номаълум муддатларга “музлатилди”. Бир-бирини камситиш, тарихни турлича талқин қилиш натижасида минг йиллик кадрлардан, қардошлик аъналаридан кўз юмилди. Тўғриси, тан олиб айтиш керакки, йигирма беш йиллик ёшларнинг сиёсатининг мамлакатимизга, халқимизга етказган зиён-заҳматининг чек-чегараси йўқ.

Ёшларнинг сиёсати туфайли вазият шу даражага бориб етдики, олимларимизнинг чет элларга чиқишига, хорижлик алломаларнинг Ўзбекистонга келишига сунъий тўсиқлар қўйилди. Бунинг оқибатида ўзбек илм-фани дунё илм-фанидан узилиб қолди. Жаҳон илм-фан ютуқларидан беҳабарлик юзага келди. Илм-фанда лоқайдлик, ўз қобилига ўрғалиб олиш, чет тилларни билмаслик, халқаро стандартлардан беҳабарлик, жаҳон илм-фанининг энг катта марказларидан ажрғалиб, яққалиниб қолши ҳолати юз берди. Минг афсуски, бунинг оғир оқибатларини тутатиш ҳали-ҳамон қийин кечмоқда.

Ўзбекистонда мамлакатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси билан очик илм-фан сиёсати амал қилаётганига эндигина етти йил бўлди. Тўғри, йигирма беш йиллик йўқотишларнинг ўрнини қоплаш учун ўтган давр камлик қилади, албатта.

Ўзбекистонда мамлакатимиз раҳбарининг кучли сиёсий иродаси билан очик илм-фан сиёсати амал қилаётганига эндигина етти йил бўлди. Тўғри, йигирма беш йиллик йўқотишларнинг ўрнини қоплаш учун ўтган давр камлик қилади, албатта.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Давлат мулкни ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар; № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 1, 5, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 245-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги 215^а-модда билан тўлдирилсин:

«215^а-модда. Давлат мулкни ижарага бериш соҳасидаги қонунчиликни бузиш

Давлат мулкни белгиланган тартибда ижара шартномасини тузмасдан ижарага бериш, ижарага олинган давлат мулкни қабул қилиб олишда, ижара муносабатларининг объекти худудига киришда ва ундан фойдаланишда ижарага олувчига асосисз равишда тўқсинлик қилиш ёки ижарага берилётган давлат мулкнинг параметрлари ва сонини ижара шартномасида нотўғри кўрсатган ҳолда давлат мулкни ижарага бериш, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақдор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 245-модданинг биринчи қисми «215^а» рақамидан кейин «215^а» рақами билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга теъузилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида етказирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 19 июнь № УРҚ–933

Ўзбекистоннинг очиқ илм-фан сиёсати

соҳа тараққиёти ва миллатимиз юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда

Ўзбекистонда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан асос солинган очиқ илм-фан сиёсатининг дастлабки натижаларини Самарқанд давлат университети мисолида келтириб ўтсак.

Бугунги кунда СамДУ дунёнинг 200 дан зиёд энг нуфузли олий ўқув юртлири билан алоқаларни ўрнатган. Кейинги уч йилда Самарқанд давлат университети талабаларига юздан зиёд хорижлик профессор-ўқитувчилар дарс ўтиб келмоқда. СамДУнинг 50 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари хорижнинг нуфузли таълим даргоҳларида фаолият кўрсатаётди.

СамДУнинг ўндан ортиқ докторантлари хорижда диссертация ишларини ҳимоя қилди. Ҳудди шу лабораториянинг катта илмий ходими Шахбоз Ҳасанов Хитой Фанлар академиясининг Замонавий физика институтида диссертация ишини ёқлади, PhD дипломига эга бўлди. Ўзбек тилшунослиги кафедраси тадқиқотчиси, туркиялик Байрам Биллир PhD диссертациясини СамДУ профессори, таникли турколог олим Жўлибой Элтазаров раҳбарлигида тайёрлади ва ёқлади.

Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиб Муслиҳиддин Муҳиддинов монографияси Германиянинг “Ламберт” нашриётида чоп этилди.

Самарқанд давлат университети Биокимё институти профессори Хуршид Бозоров Хитойнинг “Тяньшан” давлат мукофотига сазовор бўлди. Мазкур нуфузли мукофот Шинжон-Уйғур автоном музофотининг иқтисодий ва ижтимоий ривожига ҳисса қўшган хориж фўқаросига тақдим этилади.

Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги институти директори, биология фанлари доктори Тошпўлат Ражабов Исландиянинг Кишлоқ ҳўжалиги университети қошида ЮНЕСКО шафелигида ташкил этилган Ерларни қайта тиклаш халқаро дастурида қатнашиб, дунёнинг 30 га яқин давлатларидан келган олимларга маъруза ўқиди.

Муҳандислик физикаси институти доценти Акмал Сафаров АҚШнинг дунё рейтингига етакчи бўлган Массачусетс технология институтида стажировка ўтади. Мазкур институт олимлари билан халқаро грант лойиҳасида иштирок этмоқда. Кейинги йилларда СамДУ олимлари томонидан “Scopus” маълумотлар базасидаги журналларда 1200 га яқин мақолалар нашр қилинди. Олимларимизнинг 50 дан зиёд монографиялари хорижнинг нуфузли нашриётларида чоп этилди. СамДУ томонидан ҳамкорлик ўрнатилган хорижий олий ўқув юртлири билан нафақат профессор-ўқитувчилар, балки талабалар алмашиувчи дастурларига ҳам оғишмай амал қилинмоқда. СамДУга Жанубий Корея, Япония, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Германия, Франция, Польша, Туркия, Буюк

Британия ва бошқа давлатлардан талабалар келиб таҳсил олаётганлиги фикримизнинг ёрқин далили. Ўз навбатида, СамДУ талабаларининг Жанубий Корея, Япония, Хитой, Россия, Туркия, Франция, Германия, АҚШ каби бир қатор мамлакатларда ўқиб, тажриба алмашаётгани ҳам Ўзбекистонда барқарор бўлган очиклик сиёсатининг натижаларидир.

Самарқанд давлат университети бакалаврият босқичини маъзур ўқув йилида тамомлаган математика факультети талабалари Абдулазиз Комилов, Гўзал Бобоқонова ва Ифтихор Янгибоев Италиянинг Назарий физика халқаро илмий маркази ҳамда Л’Акуила университети, Бобомурод Абдурахмонов АҚШнинг Кент давлат университети магистратурасига мудатидан олдин грант асосида ўқишга қабул қилинди. Муҳандислик физикаси институти талабалари Озода Инюятулло ва Нафиса Раҳмонова халқаро “UNISAT” дастурида иштирок этиб, “CubeSat” наносуний йўлдошини учуришга муваффақ бўлди.

Самарқанд давлат университетида кейинги вақтда Туркия, Россия, Франция, Ҳиндистон, АҚШ, Венгрия, Италия, Финляндия, Бангладеш, Тожикистон ҳамда Европа Иттифоқи давлатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари таширф буюргани алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзаро мулоқотларда асосий эътибор таълим ва илм-фан йўналишларида алоқаларни ўрнатишга қаратилди. Ҳар қандай расмиятчиликдан холи бўлган бу учрашувлар ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади.

Самарқанд давлат университетида Жанубий Кореянинг Еунгнам университети билан ҳамкорликда “Инсон ресурсларини бошқариш ва Сазмаул таълимоти” илмий-тадқиқот маркази фаолият кўрсатмоқда. Марказни очишдан асосий мақсад инсон ресурсларини бошқариш ва маҳалла тизими ривожланиши бўйича янги фанларро таълим дастурларини ишлаб чиқиш, инсон ресурслари ҳамда маҳалла тараққиётини бошқариш бўйича республика ва халқаро даражасида иштирок этиш, Еунгнам университети томонидан ўтказилётган “Сазмаул” ўқув дастурларини креатив қўллаш орқали маҳалла бошқаруви соҳасида фаолият юритувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малякасини оширишдан иборат.

Ёпиқлик сиёсати ҳукм сурган даврларда биз тақдир тақозоси билан хорижга бориб қолган батандошларимизга ҳам тўхмат тошларини отдик. Уларнинг илмий соҳиятидан фойдаланиш ўрнига камситишга ҳаракат қилдик. Бундан уллар эмас, ўзимиз зарар кўрдик.

АҚШнинг Шимолий Каролина университети профессори, Нобель мукофоти соҳиб Азиз Санжар 2017 йилда Қирғизистонга таширфи давомида “Мен йигирма беш йилдан буюн ота маконимиз Ўзбекистонга бўришни орзу қиламан” деган эди.

Улуғ олимнинг ниятлари ижобат бўлди. Биз Азиз Санжарни Ўзбекистонга, Самарқанд давлат университетига тақлиф қилдик. Буюк олим билан ўрнатилган муносабатларимиз туфайли у СамДУ талабаларига маърузалар ўқиди. Қисқа давр ичида университетимизга уч марта келди.

Бугун СамДУ Биокимё институтида олим номидаги лаборатория фаолият кўрсатмоқда. СамДУ талабалари учун Азиз Санжар стипендияси таъсис этилган. Университетимизнинг бир неча тадқиқотчилари унинг раҳбарлигида илмий иш олиб бормоқда.

АҚШнинг Техас университети Нанотехнологиялар институти директори ўринбосари, дунёга машҳур физик олим, профессор Анвар Зоҳидов бугунги кунда СамДУ Муҳандислик физикаси институтида ташкил қилинган Марказий Осиёда ягона Квант марказига илмий маслаҳатчилик қилмоқда.

Анвар Зоҳидов билан суҳбатларимиздан бирида у менга қуйидагиларни гапириб берди:

Илм-фан дунё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтиради. Бағрикенглик таъминларини мустаҳкамлайди. Ўртимизда олиб борилаётган “очиқ эшиклар” сиёсатида илм-фанга устуворлик берилётгани биз, олимларга фахр-ифтихор бағишлайди. Бундан минг йиллар олдин ҳам Самарқандга дунёнинг тўрт қитъасидан келган карвонларда олимлар, илм толиблари ва китоблар бўлган. Шунинг учун ҳам илм-фан чексиз ривожланган.

Бугун ҳам шу аънана қайта кўзга ташланмоқда. Яъни давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: “Ҳаҳон цивилизациялари чорраҳасида жойлашган бу батақорр шахар асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлайдиган, савдо, илм-фан ва маданиятнинг чинакам маркази бўлиб келган. Машҳур Римга тенгдос бўлган ушбу боқий замин улкан салтанатлар пойтихти, улғус аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиё зотлар камол топган юрт сифатида бизга ҳамиша ғурур бағишлайди. “Ер юзининг сайкали” дея шухрат қозонган, Шарқнинг икки буюк Уйғонди даври ривожига улкан ҳисса қўшган Самарқанд бугунги кунда жаҳоннинг замонавий сайёҳлик марказларидан бирига айлиниб бормоқда”.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг очиклик сиёсати туфайли Ўзбекистон илм-фани жадал ривожланмоқда. Бу очиклик сиёсати ўзининг дастлабки меваларини аллақачон бера бошлади. Мен Ўзбекистонда туғилганман. Ўзбек фарзандиман ва бундан фархланман. Утган аср 90-йиллари бошида тақдир тақозоси билан Америкага бориб қолганман. Мен халқаро миқёсда қанча эътироф, ютуқларга эришмай, ўз юртимда бунинг иложи йўқ эди. 2016 йилгача хориждаги ўзбекистонликларга ўғай кўз билан қараларди. Биз бунга қўниқ билан қолган эдик. Бу аламли тасавурларимни Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев бутунлай ўзгартириб юборди. Президент Фармони билан менга “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” юксак унвони берилди. Уша пайтда кўз олдимдан йиллар давомидаги изтиробларим, армонларим бир-бир ўтди.

Тарих тақорланади. Буюк соҳибқирон Амир Темур, унинг илм-бираси Мирзо Улуғбек жаҳон маданиятининг энг йирик намояндаларини Самарқандга қорлаган эди. Бунинг натижасида шахар дунё илм-фанининг марказига айланганди. Мирзо Улуғбек мадрасаси, Улуғбек расадхонасида яратилган илмий кашфиётлар заминдан то осмон қадар кўтарилди. Самарқандни азиз қилган, уни Ер юзининг сайкали, деб эътироф этилишига асос бўлган таъминлар ҳам шулар эди.

Орандан 6-7 аср вақт ўтиб, очик илм-фан сиёсати боис Самарқанд яна ўзининг тарихий шон-шухратини тикламоқда.

Илм-фан дунё халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни юксалтиради. Бағрикенглик таъминларини мустаҳкамлайди. Ўртимизда олиб борилаётган “очиқ эшиклар” сиёсатида илм-фанга устуворлик берилётгани биз, олимларга фахр-ифтихор бағишлайди. Бундан минг йиллар олдин ҳам Самарқандга дунёнинг тўрт қитъасидан келган карвонларда олимлар, илм толиблари ва китоблар бўлган. Шунинг учун ҳам илм-фан чексиз ривожланган.

Бугун ҳам шу аънана қайта кўзга ташланмоқда. Яъни давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: “Ҳаҳон цивилизациялари чорраҳасида жойлашган бу батақорр шахар асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарбни ўзаро боғлайдиган, савдо, илм-фан ва маданиятнинг чинакам маркази бўлиб келган. Машҳур Римга тенгдос бўлган ушбу боқий замин улкан салтанатлар пойтихти, улғус аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиё зотлар камол топган юрт сифатида бизга ҳамиша ғурур бағишлайди. “Ер юзининг сайкали” дея шухрат қозонган, Шарқнинг икки буюк Уйғонди даври ривожига улкан ҳисса қўшган Самарқанд бугунги кунда жаҳоннинг замонавий сайёҳлик марказларидан бирига айлиниб бормоқда”.

Рустам ХОЛМУРОВОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО



Шу тариқа инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг долзарб муаммоларга бағишланган Самарқанд форумларини ўтказиш яъни аънана тусини олди. Бинобарин, Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумининг келиб чиқиш тарихи ушбу аънанавий халқаро анжуман ташаббускори шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти эканлигини аққол тасдиқлаб турибди.

Президентимиз Инсон ҳуқуқлари бўйича IV аънанавий Самарқанд форуми иштирокчиларига мурожаатида таъкидлаганидек, “Экологик инкироз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги энг асосий тўсиқ ва таҳдидга айланди, глобал миқёсда қашшоқлик билан боғлиқ муаммолар кўпаймоқда, инсоннинг соғлиқ, тоза сув, озиқ-овқат ва уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳавф остида қолмоқда. Бундан, аввало, ижтимоий ҳимояга мухтож қатлам, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, аёллар ва болалар жиддий азият чекмоқда”.

Самарқанд форуми иштирокчилари ўз чиқишларида иқлим ўзгаришининг муҳим ма-

салаларига мунтазам равишда қаратиб келётган юксак эътибори ва бу борада илгари сурган ташаббуслари учун Ўзбекистон Президентига ўз миннатдорликларини билдирдилар. Ўз навбатида, сўзга чиққанларнинг барчаси халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қачирди.

Бошқача айтганда, Инсон ҳуқуқлари бўйича IV аънанавий Самарқанд форуми давомида жаҳон амалиётини ўзига хос ўрин эгаллаб улгурган “Самарқанд руҳи” яна бир бор ўзини баралла намойён этди. Бинобарин, аънанавий Самарқанд форуми Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибини рўёбга чиқариш бўйича саъй-ҳаракатлар бугун жаҳонда давом этаётганининг яна бир амалий исботи бўлди.

Қолаверса, Самарқанд форумида БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлардан нуфузли вакиллар қатнашган, шубҳасиз, айни йўналишда глобал ҳамкорлик муҳимлиги эътироф этилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Яна бир аҳамиятли жиҳат — форумда иқлим ўзгаришининг инсон ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатишини юмшатиш бўйича турфа таъмин ва ёндашувлар, шунингдек, бу соҳада турли мамлакатлардаги илгор тажриба ва амалиётлар билан ўзаро алмашиши асосида аниқ тавсия ва ечимлар ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Бундай ёндашув Ўзбекистон Президентининг: “Парик битимида таъкидланганидек, иқлим ўзгаришига қарши чоралар қўрилаётганида, давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, рағбатлантириши ва ҳимоя қилиши, асосий диққат-эътиборини маъзур соҳадаги мажбуриятларини бажаришга қаратишлари лозим”, деган фикрлари билан уйғун ва ҳамохангдир.

«Келажак авлодлар тақдирини учун барчамиз улкан масъулиятни ўз зиммамизга оладиган вақт келди»

Президент Шавкат Мирзиёевнинг бу давлати айнан Инсон ҳуқуқлари бўйича IV аънанавий Самарқанд форуми очилишида янрагани беҳиз эмас. Чунки ушбу форум иштирокчиларига ҳозиржавоблик билан йўлланган мурожаатнинг ўзидек иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ инсон ҳуқуқларига муаммоларига ечим топиш масаласи Ўзбекистон лидерининг алоҳида эътибор марказида турганидан далолатдир.

Бу галги Самарқанд форуми сайёрамиз миқёсида учта инкироз — иқлим ўзгариши, биохиммаҳиллик йўқолиши ва атропо-муҳит ифлосланиши кучайган кескин экологик вазиятда бўлиб ўтди. Шу маънода, форумнинг асосий мақсади — иқлим ўзгаришларининг инсон ҳуқуқларига таъсири билан боғлиқ масалаларни кенг қўламада ва ахборотлар таҳлили негизида атропо-муҳит муҳокама қилишдан иборат бўлгани табиий.

Ўзбекистон Президенти Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форумига қўйлаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, турли давлатлар, илмий доиралар ва бизнес соҳаси намоёндалари тақлиф қилингани алоҳида таъкидлагани мутлақо

асослидир. Ҳақиқатан ҳам, форумда жами 200 нафардан ортиқ халқаро, минтақавий, хорижий ва миллий ташкилотлар вакиллари оффлайн ва онлайн тарзда иштирок этди. Улар орасида БМТнинг юқори даражадаги 4 нафар мансабдор шахси, 7 та халқаро ташкилот, 8 та минтақавий ташкилот, 14 та хорижий давлат вакиллари ва турли алоқадор институтларнинг 30 нафар эксперти, 7 та давлатнинг илмий-тадқиқот муассасалари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган 20 га яқин дипломатик корпуслар вакиллари бор эди.

Шунингдек, форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзолари, вазирликлар раҳбарлари ҳамда олий таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти вакиллари қатнашди. Форум давомида атропо-муҳит муаммолари ва глобал иқлим ўзгаришининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга таъсири борасида 70 дан зиёд экспертлар маърузалари тингланди. Бинобарин, бундай глобал муаммоларга самарали ечимлар топишда ўзаро ҳам бўлиб ва барча босқичдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда иш тутиш жуда муҳимдир. Худди шу боис Самарқанд форумида экология муаммоларининг инсон ҳуқуқларига таъсирини ўрганиш ва ушбу салбий ҳолатларга барҳам бериш учун глобал қўламада мақбул ечимлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Форум якуни: Самарқанд декларацияси

Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми экология ва инсон ҳуқуқлари билан ҳамбарчас боғлиқ ҳавф-хатарлар, ҳатто дунё геосийсий архитектурага ҳам таъсир кўрсатаётган мураккаб ва ўта масъулиятли шариоатда бўлиб ўтди. Шунинг учун иштирокчилар экологик муаммоларга фақат минтақавий даражада ёндашиш билан чекланмай, балки бу глобал таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатларига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш истиқболларини ҳам атропо-муҳокама қилдилар.

Хусусан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк ўзининг

Конунчилик палатасида

Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши биргаликда курашиш лозим

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан "Жаҳон чўлланишига ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни"га бағишлаб семинар ўтказилди.

Маълум қилинганидек, ҳар йили 17 июнь — Жаҳон чўлланишига ва қурғоқчиликка қарши курашиш куни сифатида бутун дунёда кенг нишонланади. 1994 йил худди шу санада БМТнинг Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси қабул қилинган.

Чилар диққат-эътиборида бўлди. Хусусан, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида республика ҳудудида йилга 200 млн. туп дарак ва бута экилиб, боғлар, жамоат парклари, "яшил белбоғлар" барпо қилинмоқда.

Биргина ўтган даврда Орол денгизининг суви қурган туби ва Оролбўйи минтақасидан кўтарилаётган кум, туз ва чанг зарраларининг салбий таъсири ни камайтириш, ушбу ҳудудларда чўл ўсимликлари билан биргаликда, чангли бўронлар ва гармселлар тарқалиши таъсирига учраган қурғоқчи ва яримқурғоқчи майдонлардан иборат. Қарийб 10 млн. гектар яйловлар тубдан яхшиланганига муҳтож.

Таъдирда сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чўлланиш ва қурғоқчиликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармони билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтиришга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.

Бугунги кунда юртимизда чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва химоя ўрмонларини барпо этиш бўйича олиб борилётган изчил саъй-ҳаракатлар иштирокчилар диққат-эътиборида бўлди.

«Халқ сўзи».

Манфаатлар тўқнашувининг олдини олишда муҳим ҳуқуқий асос

Кундалик ҳаётимизда манфаатлар тўқнашуви ҳақида кўп эшитганмиз ва бундай ҳолатларга дуч ҳам келганмиз. Бу жамиятга катта зарар келтирадиган иллатлардан бири бўлиб, у бор жойда соҳалар ривожланиши ўрнига орқага кетади, адолатсизлик пайдо бўлади.

Фикр

Манфаатлар тўқнашуви, бу — шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва ҳолис баҳарлигига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазият ҳамдир.

Шу боис манфаатлар тўқнашувига дуч келинганда бевосита раҳбарга хабар бериш, у эса тартибга солиш чорасини кўриши керак. Бироқ бундай вазиятда қандай хабар берилди ва у тартибга солиниши юзасидан аниқ бир механизм ва қонуний ечим мавжуд эмасди.

Президентимиз томонидан 5 июнь куни имзоланган "Манфаатлар тўқнашуви тизимида"ги Қонун билан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган ҳам йўқ эди.

Биринчидан, ҳодим бевосита раҳбарига, раҳбарлар эса коррупцияга қарши ички назорат тизимларига ёки кадрлар бўлимларига хабар бериб, ушбу манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чораларини кўради.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашиш ёки кадрлар бўлимлари манфаатлар тўқнашувини аниқлайди. Бунда келажакда вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолий манфаатлар тўқнашувининг олди олиниди.

Бунинг учун мунтазам равишда эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар, давлат хариди тақлифлари, комиссия баённомалари, шартномалар, тижорат ташкилотларининг аффилиланган шахслари рўйхатлари, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш модули, Қимматли қоғозлар марказий

депозитарийси манбалари ўрганилади. Шундан сўнг, аниқланган эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви вазиятидан келиб чиқиб, уларни тартибга солиш чоралари кўрилади.

Қонунда белгиланган тартибга солиш бўйича чоралар мазмунан ҳодимнинг мазкур вазиятда қарор қабул қилишдаги иштирокини ёки таъсири ни чеклашга қаратилган. Мисол учун, "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган умумий талабдан келиб чиқиб, манфаатлар тўқнашуви натижасида юзага келган вазиятлар бўйича тартибга солиш чоралари кўрилади.

Яна бир муҳим масала. Агар давлат хизматчиси томонидан ўзи назорат қиладиган объектларда яқин қариндоши ишлайдиган бўлса, ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун у бу ҳақда манфаатлар тўқнашуви декларациясида кўрсатиши ва яқин қариндошига таълим масалалари бўйича назоратни амалга оширмастик чораларини аниқ белгиланиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бермаганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 — 5 бараваригача жарама белгиланади. Ушбу хабарлар тартибга солинмаган тақдирда мансабдор шахсга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 — 10 бараваригача жарама қўлланилади.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2022-2023 йилларда давлат харидлари бўйича тузилган 4,5 миңта шартномада манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қарор қабул қилинган ёки битим тузилган тақдирда бу суд тартибда ҳаққий эмас, деб топилди. Олинган фойда эса давлат даромадига ўтказилди.

Қонунга мувофиқ, эндиликда "E-anticor.uz" платформасида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва онлайн

мониторинг қилиш имконини берувчи электрон модуль ишга туширилиши аниқ мудоаодир. Бу, ўз навбатида, келгусида бу каби ҳолатнинг олдини олиш ва уларни жойида бартараф этишда кўл келади.

Давлат органлари ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши ва кўплаб вазиятларда улар фойдасига қарор қабул қилиниши боис манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини келтириб чиқараётди. Бу, асосан, давлат харидларида яққол намойён бўлаётди.

Шундан келиб чиқиб, эндиликда бундай шахслар қонунга мувофиқ тижорат ташкилотларининг таъсисчилик-гидан чиқиши лозимлиги, бунда акциядорлик жамиятларининг эркин муомалада бўлган акцияларининг ўн фоизгача эгаллик қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Ҳужжат билан ўзи назоратини олиб борадиган ташкилот, жумладан, кузатув кенгаши фаолиятини назорат қилиш манфаатлар тўқнашуви сабаб бўлиши инobatга олинб, шу каби назоратни амалга оширувчи шахсларнинг ушбу ташкилотдаги улушларга эгаллик қилиши, бошқарув органи аъзоллигида иштирок этиши чекланаётгани ҳам муҳим янгиликлардан бири бўлди.

Давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ўзи билан меҳнат шартномаси тугатилган ёки хизматдан бўшатилган ҳодими икки йил ичида охирги иш жойида ўзи бевосита ёки билвосита назоратни амалга оширган ташкилотлар ёхуд уларнинг таркибий бўлинмалари томонидан ишга ушбу ҳодим меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга оширган ташкилотларнинг коррупцияга қарши назорат бўлимига вазифасини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳулосасига асосан қабул қилиниш тартиби ҳам қонунда ўз ифодасини топди.

Қонун билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди ва унга маъмурий баённомаларни тузиш ваколати ҳам берилди. Давлат ташкилотлари эса ўз тизимидаги манфаатлар тўқнашуви ҳолатини ўз вақтида аниқлаш ва тартибга солиш бўйича зарур чораларни кўришда масъул этиб белгиланди.

Ишончимиз комилки, ушбу қонун давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аниқлаш ва тартибга солишнинг самарали механизми жорий қилиш, унинг ҳуқуқий оқибатларини аниқ белгилаш ҳамда мамлакатимизнинг коррупцияга қарши курашга оид халқаро рейтингдаги кўрсаткичлари ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Жавлонбек ЭРГАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Аэродромларда назорат: тенденциялар ва долзарб саволлар

Тошкент шаҳрида Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ХФАТ) томонидан "Аэродромлардан фойдаланиш ва хавфсизлигини назорат қилиш" мавзусида семинар ўтказилди.



Мазкур анжуманда ХФАТнинг Европа ва Шимолий Атлантика минтақавий бюроси ҳамда Давлатлараро авиация қўмитаси (ДАК) вакиллари ва хорижий экспертлар иштирок этди.

Тошкентдан Бўстонлиққача бўлган йўлда янги туннель очилди



Тошкент шаҳридан Бўстонлиққа Янги Ўзбекистон йўли томондан боришда ва қайтишда янги қўшимча тармок йўлларидаги қурилишнинг биринчи босқичи тугалланди.

Бу ҳақда ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати хабар берди.

Қайд этилишича, мазкур светофорларсиз ва тирбандликсиз ҳаракат учун очилган туннельда шу йил 16 июнь куни соат 10:00 дан бошлаб транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат берилган.

У Тошкент шаҳрини Бўстонлиқ туманидаги Чимён тоғлари ва Чорқов сув омбори билан боғлайди.

600 нафар ҳайдовчи Латвияга ишга жалб этилади

"Дунё" ахборот агентлиги хабарига кўра Ўзбекистон элчихонаси кўмағида 10 — 17 июнь кунлари Латвиянинг транспорт ва логистика соҳасидаги йирик "Kreiss" компанияси вакилларининг Ўзбекистонга ишчи ташрифи ташкил этилди.

Ташриф давомида Латвия томони Транспорт вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳамда Халқаро автомобилда ташувчилар уюшмаси раҳбарияти билан музокаралар ўтказди ва "Kreiss" ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ўртасида Латвияга 600 нафар ҳайдовчини уюшган тарзда ишга жалб этиш бўйича келишувга эришилди.

"Ватанпарвар" ташкилоти билан ушбу уюшмага тегишли автоматиклар платформасида ўзбекистонлик юк машиналари ҳайдовчиларини тайёрлаш учун махсус симуляторлар ташкил қилиш бўйича меморандум имзоланди.

40 йиллик поликлиника мукамал таъмирланмоқда



Ўзбекистон туманининг "Ўқчи" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 74-оилавий поликлиника 12 миңдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда инвестиция дастури асосида 2,3 млрд. сўмлик мукамал таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Айтиш жоиз, "иш стажига" 40 йил бўлган оилавий поликлиника аввал 100 қатновга мўлжалланган бўлса, эндиликда қўшимча 10 дан ортик тиббий ёналари бунёд этилиб, кунлик қатновни 150 тага етказиш имконияти яратилаётди. Шунингдек, муассасада 10 ўринга мўлжалланган кундузги ётиб даволаниш бўлими ташкил этилмоқда.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси

Виталий Васильевич ФЕИнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

видеомурожаатида қайд этганидек, "агар биз қатъият билан ҳаракат қилмасак ва айнан ҳозирдан оқибатдаги саъй-ҳаракатларга киришмасак, атроф-муҳит деградациясининг ҳалокатли оқибатлари сайёраимиздаги ҳод ҳаётни қамқок тезлигида барбод қилишда давом этади.

Бу борада фақат тенглик, адолат ва кадр-қимматни эъозлашга таянмаган инсон ҳуқуқлари тизимига асосланган ҳаракатларгина бизга жуда зарур бўлган ечимларни тақдим этиши мумкин".

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччининг эътирофи билан, "Экстремал об-ҳаво ҳодисалари алла-

лик муаммолар харитасини тузаяпти. Шу асосда ҳукумат аҳолининг, жумладан, ижтимоий химояга муҳтож инсонларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ахборот сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин. Бундай лойиҳалар ЕХХТнинг бутун минтақасидаги бошқа дала миссиялари билан биргаликда амалга ошириляпти".

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) бош қотиби ўринбосари Нурлан Сейитмов онлайн чиқишида қайд этганидек, "экология соҳасида онли шахсни тарбиялаш сайёраимиз ҳаётини сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан биридир. Бунда таълим ва маданият дастурларида экологик тарбия муҳим ўрин эгаллаши лозим.



қачон яшаш, ишлаш ва ўқиш учун хавфсиз жойларни излаётган миллионлаб одамларнинг кўпинча ўз уйларида узоқда бўлган жойларга миграция қилиши ва кўчишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳаётни ўзгартирувчи бундай муаммоларга жавоб бериш барча одамларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини ҳурмат қилиш йўлида жуда муҳимдир".

ЕХХТ Иқтисодий ва экологик фаолияти мувофиқлаштирувчиси, элчи Бакит Жусуповнинг видеомурожаатида маълум қилинишича, "ҳозирги кунда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси мамлакатдаги иқлим билан боғ-

лиқ муаммолар харитасини тузаяпти. Шу асосда ҳукумат аҳолининг, жумладан, ижтимоий химояга муҳтож инсонларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ахборот сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин. Бундай лойиҳалар ЕХХТнинг бутун минтақасидаги бошқа дала миссиялари билан биргаликда амалга ошириляпти".

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) бош қотиби ўринбосари Нурлан Сейитмов онлайн чиқишида қайд этганидек, "экология соҳасида онли шахсни тарбиялаш сайёраимиз ҳаётини сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан биридир. Бунда таълим ва маданият дастурларида экологик тарбия муҳим ўрин эгаллаши лозим.

ди. Зеро, қатарлик экспертнинг фикрича, "бу масалалар жуда муҳим ва келажак авлод учун ҳозир янада яхши келажак кўриш йўлида ҳеч қим орта қолиши керак эмас".

ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, миссия раҳбари, элчи Антти Карттунен ҳақли равишда эътироф этганидек, "Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми экологик муаммоларни муҳофаза этиш ва ҳал қилиш учун муҳим мулоқот майдонига айланди. Эндиликда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ишончли таъминланган, сайёраимизни келгуси авлодларимиз учун асраб-авайлашга муваффақ бўлинган истиқболимизни таъминлашимиз учун барчамиз ҳамжихатликда иш олиб боришимиз зарур бўлади".

Яна бир муҳим масала, форум ишининг ниҳоясида якуний ҳужжат — "Иқлим ўзгаришлари шароитида инсон ҳуқуқларини глобал химоя қилиш: барқарор келажак йўлидаги мажбуриятлар ва саъй-ҳаракатлар тўғрисида" лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлди. Иштирокчилар ушбу лойиҳани Ўзбекистон Президенти мурожаатида илгари сурилган ташаббус ва тавсиялар ҳамда форум давомида келиб тушган 150 дан ортик амалий тақлифлар асосида маромига етказилган ҳолда қабул қилиш учун овоз бердилар.

Форум тавсияларини БМТ Бош қотибига ва бошқа халқаро ташкилотларга тақдим этишга келиши олинди. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси ва БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқларида мазкур форумни ўтказиш ташаббусини илгари сурганлиги учун миннатдорлик билдирдилар.

Самарқанд заминда «Инсон ҳуқуқлари боғи» барпо этилди

Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми доирасида бир қатор ёндош тадбирлар ҳам ўтказилди. Шулардан бири "Инсон ҳуқуқлари химояси учун" кўкрак нишони совриндорларини тақдирлаш маросимидир.

Туркия Республикаси Бош омулдсмани Шериф Маллоқ, Ислоом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси Котибияти ижрочи директори, профессор Нура бинт Заид ал-Рашид, Умон Султонлигининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси раиси Рашид Ҳамад Ҳумаид Албалуши, Қатар давлати Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий қўмитаси раиси Марьям бинт Абдуллаҳ ал-Аттия ушбу муқофот билан тақдирландилар.

Кўкрак нишони ўз соҳибларига тантанали равишда топширилди. Шунингдек, форум доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори билан айрим халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатлар вакиллари ўртасида юзма-юз учрашувлар ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу музокаралар асосида ўзаро ҳамкорликнинг жорий ҳолати таҳлил этилди ва келгусидаги режалар муҳомада қилинди. Хулоса ўрнида, форумнинг иккинчи куни иштирокчилар томонидан Самарқанд эми-нида "Инсон ҳуқуқлари боғи" барпо этилганини алоҳида айтишни истардик. Чунки бир томондан, кўчат экиш ва боғ яратиш ҳар бир инсон учун савобли амалдир.

Иккинчи томондан, экологик муаммолар инсон ҳуқуқларига кўрсатаётган таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган таъсирчан тақлифлар ишлаб чиқиш учун дунёнинг турли ҳудудларида ташриф буюрган ҳамкасбларимиз ўзаро ҳамжихатликда кўчатлар экиб, гамхўрликка муҳтож сайёраимиз бағрида янги ва мўъжаз бир қоқса асос солди. Бу саъй-ҳаракат замирида ҳам ўзига хос ибратли рамз муҳассам, деб ўйлайман.

Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори.

Соғинч



Абдували ҚУТБИДДИН

ДАЪВАТ

Кўнги обод ўлса, унда хатар бўлмас, Обод бўлмоқ инсон учун улғуликдир. Агар унда чироқ ёнса, ёруғликдир, Ёруғликда тонглар ахир уруғликдир. Шу тонгларни авлодларга ким атади? Боғларимиз кўнги билан ким бутати? — Қалбга кўйиб англаб олинг давронимни.

Қанча қайроқ қайрадилар кўз олайиб, Ўт қўйдилар ичи қуруқ хашакларга, Кибрларга, ҳасадларга, шақ-шақларга, О, қанчалар юрагидан кетди майиб, Ҳақиқатнинг оловидан зум бўжмайиб.

Тик турди-ку Баҳоуддин Нақшбандий, Соҳибқирон, Бобур мирзо, Улғубеклар, Кешийлару шойийлару, дилбандийлар, Аҳли Хораз, ҳўқандио самарқандий, Улғу йўлга от қўйдилар ўзлуг беклар.

Ўзлимиз сари кетдик, кўкрак кериб, Орзулару умидларни бир-бир териб, Буюк давлат қўшига илос бериб, Болаимизга шижоатни мерос бериб, Ҳам ўрганиб, ҳам ўргатиб кетмоқдамиз, Умр ўтар аста-аста ўтмоқдамиз. Аммо кўнги хотиржамдир, тўғри бўлди, Ойдинлик ҳам бағримизга бағир бўлди.

Минг йил ўтар, ўзгаради бу дунёлар, Балки намхуш тортиб қолар хўш ҳаволар, Балки тўфон кўтаради шўх саболар, Ўзгармайди то қиёмат ахду паймон, Ўзгармайди Ер юзида Ўзбекистон, Яшнаверар хурриятдан таралган нур. Ранги ўчмас, қони эзгу бу зиёлар.

Манғуликдир чин меҳнатлар ва заҳматлар, Иқболимиз учун ёнган бу ҳикматлар, Аҳдоқларнинг руҳи айтган бу раҳматлар, Келажакнинг уйи янглиғ бу мактаблар, Бу ишончлар, бу туйғулар ҳамда сурур.

Адашмайлик, қайишмайлик, эгилмайлик, Хиёнат алдоқларга буқилмайлик, Ағёрларнинг кимхобига тикилмайлик, Айрилмайлик орзулардан ва Ватандан.

Шукрона айт, Абдували иқболингдан, Гул бахтингдан, бугунингдан, зилолингдан. Билдинг ахир Ўзбекистон ва шавкатни, Она Ватан деган қутлуг тарикатни, Шу тарикат пойдор бўлди, қуллуг қилгил, Озодлигу ободлики сен туғ қилгил.

Илдамлагин Истиқлолнинг йўлларидан, Бу йўлларки, саодатга элтгувчидир, Ҳеч туширма байрогингни қўлларингдан, Адл турган муродига етгувчидир.

Даъватим шу: Ватан — Аллоҳ назардандур, Юртшайдолиғ вожиб Ҳўжа Хизрдандур. Ватан ахир иймон учун бир саждамоғ, Кимки Ватан ичра бўлса ўшал огоҳ.

Иймондандир хизмат қилмоқ райатга, Бутун халққа, азиз юртга, ҳақиқатга, Ўзбекистон деган буюк муҳаббатда, Яшаб бирга, Кетиб бирга, Тирилганда —

Ўзбекистон жонажоним — Ватан, десак, Парвардигор, ўзинг уни асра, десак, Шу юрт учун порлат, десак кўзимизни, Тупроғига тупроқ қилгин ўзимизни. Онажоним, Жондан суюк Ватан десак! Ватан десак, Ватан десак, Ватан десак!

ҲОВЛИ ОЛДИДАГИ МАЙДОНЧА

Фарғоналик машҳур боксчи Бектемир Мелиқўзиев ўзи туғилиб ўсган Фурқат туманининг Шойимбек қишлоғида спорт билан шуғулланиш имкони йўқлиги боис камида йигирма чакирим олисдаги Кўқон шахрида жойлашган ихтисослаштирилган мактабда маҳоратини оширган. Бокс бўйича қитъа, жаҳон чемпионатлари голиби бўлган қувалик Мирзиз Мирзахалилов, болалиги Риштон туманининг Булоқбоши маҳалласида ўтган Асадхўжа Мўйдинхўжаев ҳам олис ҳудудларга катнаб, роса қийналишганини кўп эслашади.

Баркамол авлод орзуси

Спортдаги ўз ютуқлари билан хурмат қозонаётган Моҳиғул Ҳамдамова, Дилафрўз Аҳмадхорова, Зиёда Абдусатторова каби фарғоналик чемпион қизлар учун ҳам бу ҳолат бегона эмас. Аммо энди вазиёт ўзгарди, бугунги кунда нафақат машҳур спортчилар истиқомат қилувчи маҳаллалар, балки вилоятнинг энг олис ва узоқ ҳудудларида ҳам бу борада қулай шароитлар муҳайё этилди.

Ҳозирги кунда вилоятда 3,3 мингга яқин гуруҳ (тўғрақ)лар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 52 та спорт тури билан шуғулланаётган қарийб 34 минг нафар йигит-қизга 1,5 минг мураббий мунтазам равишда машғул олиб бормоқда. Биргина 2023 йил давомида вилоят спортчилари 3 694 та медални кўлга киритди. Унинг аксарияти халқаро мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида ютилгани эътиборга лойиқ. Муносиб ютуқлари туфайли ўтган йили 700 га яқин фарғоналик спортчилар ўз йўналишлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасига қабул қилинди.

2023 йили Ханжой (Хитой)да бўлиб ўтган Осиё ўйинларида терма жамоа сафида вилоятнинг 21 нафар спортчиси катнашиб 4 та, Параолимп ўйинларида эса 11 спортчи 8 та медални кўлга киритди.

Ўтган йил натижалари бўйича вилоят спорт таълим муассасалари рейтинг кўрсаткичларига кўра мамлакатимизда тўртинчи ўринни эгал-



лади, — дейди Фарғона вилояти спорт бошқармаси бошлиги Нодирбек Ҳакимов. — Йил мобайнида “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари доирасида 54 нафар спортчи ютуқлари учун муносиб рағбатлангилди. Жаҳон ареналарида мамлакатимиз довуғини дoston қилгани учун уч нафар спортчимизга янги хонадонлар қалитлари тантанали равишда топширилди. Маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган спорт масканларига 3 184 та тиббиёт ва 4 437 та спорт жиҳози, 4 129 жуфт спорт кийими етказиб берилди. Ўтган йили вилоятнинг барча шахар ва туманларида ташкил этилган оммавий спорт тадбирларига 1 миллиондан зиёд аҳоли қамраб олинди. “Беш ташаббус олимпиадаси”

голиби бўлган маҳалланинг 28 нафар ёш вакили учун 28 та спорт майдончаси, спорт инфратузилмаси бўлмаган 13 та МФЙга янги мажмуалар қурилди ва ишга туширилди. Вилоятдаги 11 спорт муассасасига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, шунингдек, 5 та муассасага Спорт вазирлиги томонидан қуёш панеллари ҳамда сув иситиш мосламалари ўрнатилди. Худудлардаги 6 та маҳаллада тадбиркорлар кўмағида замонавий спорт майдончалари қуриб битказилди. 2022-2023 йилларда Сўх, Данғара, Ўзбекистон туманлари ва Кўқон шахрида “Ташаббусли бюджет” голиби бўлган 4 та спорт масканига 2 млрд. 697 млн. сўм инвестиция жалб этилди.

— Ўтган йили “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг волейбол спорт туридан 22 — 26 ёш тоифасида (аёллар) республика финал босқичида биринчи ўринга сазовор бўлди, — дейди жамоа аъзоси, Кўштепа туманидаги “Дўстлик” МФЙда яшовчи Ҳавохон Нурматова. — Натижада маҳалламиз ёшлари учун универсал спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эътиборлиси, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан кейинги йилларда барча шахар ва туманларда 63 та спорт клуби фаолияти йўлга қўйилди. Уларга маҳаллалаги 1 541 нафар ёш жалб қилинишига эришилди. Айни пайтда 81 нафар малакали мураббий футбол, баскетбол, волейбол ва гандболга

ихтисослаштирилган ушбу клубларда йигит-қизлар билан машғуллар олиб бормоқда.

Эркинжон Ҳомидов Фарғона туманидаги 1-спорт мактабида футбол мураббийи сифатида фаолият кўрсатади. Унинг болалиги туманининг олис, эксклав ҳудудида жойлашган яна бир эксклав ҳудуд Ёрдон қишлоғи ёшлари шароитдан келиб чиқиб, асосан, яккакураш спорт турлари билан шуғулланади.

— Яқинда нодавлат нотижорат ташкилотлари грант танловида “Ёрдон” МФЙга суний қопламали футбол майдони қуриш учун 200 миллион сўм ютиб олинди, — дейди Э. Ҳомидов. — Айни кунларда ушбу маблағ эъзизга Ёрдонда футбол стадиони қуриш ишлари жадвал давом этмоқда. Демак, юртимизда ҳеч бир маҳалла, ёшлар давлатимиз гамхўрлигидан четда эмас.

Бугун давлатимизнинг юксак эътибори ва рағбати самараси сифатида маҳалла жисмонан ҳамда маънан етуқ, баркамол авлодни тарбиялашда чин маънода усто, мураббий вазифасини бажармоқда. Буни Фарғона вилоятининг 1062 та маҳалла фуқаролар йиғини мисолида яққол кўриш мумкин.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Уриб турган юракда ноёб жарроҳлик амалиёти ўтказилди

В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Гулистон тиббиёт кластерининг малакали мутахассислари томонидан Сирдарёда илк бор уриб турган юракда аорта коронар шунтлаш жарроҳлик амалиёти ўтказилди.



суягининг яхлитлиги бузилмади, кўкрак қафасининг анатоми — функционал тузиллиши ўзгармади. Айни вақтда беморнинг

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Саломатлик

— Юрак соҳасида муаммоси бор 68 ёшли беморда суний қон айлантиришсиз, уриб турган юрагига қовурғалар аро бўшқидан 6 — 8 сантиметр кесма орқали кириб, учта юрак-қон томирида аорта коронар шунтлаш амалиётини ўтказдик, — дейди тиббиёт фанлари

доктори Рустам Ёрбеков. — Бу энг хавфсиз ва самарали усул бўлиб, кўкрак қафаси ҳамда бошқа соҳаларнинг яхлитлиги сақлаб қолинишига, юрак реабилитацияси вақтининг қисқаришига, беморнинг қисқа фурсатда оёққа туриб кетишига ёрдам беради. Энг муҳими, тўш

Бозорнинг энг муҳим шарти

Ғузорлик Элдор Бўриев бундан ўн йил аввал, яъни 2014 йилда уйда кичик цех ташкил қилиб, икки турдаги пишириқлар тайёрлаб сотиш билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эди.

Тадбиркорлик

У дастлаб фаолият юритишда қийинчиликларга учради. Оила аъзолари билан биргаликда кунига атиги 5-6 килограмм атрофида пишириқ тайёрласа-да, лексин шунга ҳам харидор топилмасди. У тушуниб етдики, маҳсулотнинг сифати, рақобатбардошлиги — бозорнинг муҳим шарти. Шундай йўл тутмаса, рақобатда ютқазиб қўйиши тайин. Шу тариқа, у бор эътиборини харидор дидига мос маҳсулот тайёрлашга қаратди. Айни пайтда тадбиркор ўз хонадонининг бир қисмини тўлиқ ишлаб чиқариш ҳудудига айлантириб, у ерда цех фаолияти учун барча шарт-шароитни яратган.

— Қандолат маҳсулотларини тайёрлашда дастлаб кичик печлардан фойдаланган бўлсак, бир неча йил аввал уларни замонавий ҳамда катта қувватлисига алмаштирдик, — дейди Элдор



Бўриев. — Натижада бугунги кунда ойига ўртача 2,5 тоннага яқин пишириқ тайёрлаяпмиз. Агарда бюртмалар кўпайса, бемалол қувватни икки баробар оширишга қурбимиз етади. Ўтган йили қадоқлаш ускунасини харид қилган эдик. Ҳозирги кунда тайёр маҳсулотни қўтиларга жойлаштириш, янги харид қилинган технология ёрдамида қадоқлаймиз. Бу турли-туман ширинликларни харидорларга нафақат чиройли идишларда тақдим этиш, балки унинг сақлаш мuddатини ҳам бир неча маротаба ошириш имконини бераётир. Эътиборлиси, корхонада айни пайт-

да ҳудуддаги 10 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар пешма-пеш харидорларга етказиб берилмоқда. Тадбиркор эса эришилган натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмас.

— Келгусида корхона учун алоҳида бино барпо этмоқчиман, — дейди у. — Ўтган йили аукцион орқали туман марказидан ишлаб чиқариш биноси қуриш учун ер майдони олган эдим. Тез орада қурилиш ишлари бошланади. Бу ерда фаолиятимиз учун ҳамма шарт-шароит яратилади. Яна янги технология ускуналар харид қилиб, маҳсулот ассортиментини ва ишлаб чиқариш қувватини ошириш ниятидамыз.

Албатта, бу саяё-ҳаракатлар корхона салоҳиятини янада ошириб, қўшимча ўнлаб иш ўринлари очишга имконият яратиши билан аҳамиятлидир.

Жаҳонгир БОЙМУРОВО («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

Диққат, ижодий танлов!

Ўзбекистон Бадий академияси Сурхондарё миллионинг Термиз туманидаги “Янги Ўзбекистон” боғи ҳудудида барпо этиладиган Мустақиллик монументи лойиҳасини яратиш бўйича расом ва ҳайкалтарошлар ўртасида

Ижодий танлов эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий лойиҳаларда уч минг йиллик ўзбек давлатчилиги тараққиётида алоҳида ўринга эга бўлган Сурхон воҳасига оид муҳим тарихий маълумотлар, ушбу ҳудудга хос азалий қадрият ва аъналар, мустақиллик йилларида эришилган салмоқли ютуқлар ҳамда оддий инсонларнинг эзгу орзу-умидлари ҳайкалтарошлик санъатининг илғор аъналарини ва бетакрор бадий-меъморий ечимлар асосида юқори бадий савияда акс эттирилган бўлиши лозим.

Танловда мазкур йўналишлар бўйича таниқли ҳайкалтарошлар, монументал санъат соҳасида ва замонавий шахарсозликда ҳайкалларни ўрнатиш борасида етарли билим ва тажриба тўплаган мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Лойиҳа эскизларининг танловга мўлжалланган модели нусха кўчириш ва узоқ мuddат сақлашга мўлжалланган исталган материалдан тайёрланиши мумкин.

Ижодий лойиҳалар жорий йил 20 июндан 20 июль санасига қадар қабул қилинади.

Танловга мўлжалланган ижодий лойиҳаларни Ўзбекистон Бадий академияси Бадий кўрғазмалар дирекциясининг Марказий кўрғазмалар залига топшириш сўралади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 40-уй. Боғланиш учун телефон: 71-232-17-66.

Стокгольмда ташкил этилган фестивалда ўзбек паловига «Энг яхши миллий таом» йўналиши бўйича биринчи ўрин берилди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 104 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қопибаҳат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган қўламақлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термидан ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.49 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6